

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ” КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳукукида
УДК:657.5:658(575.1)

ГУЛАМОВ ЭРКИНЖОН КИЯМОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ РЕСУРСЛАРИНИ ЧУҚУР ҚАЙТА
ИШЛАШ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР
ТАННАРХИНИ ПАСАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАР
ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Қайта ишловчи корхоналар мисолида)**

5А 230901 - «Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлари ва соҳалари бўйича)»
мутахассислиги бўйича

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: проф. Холбеков Р.О.

ТОШКЕНТ – 2019

Ушбу магистрлик диссертацияси ишида “Бухородонмахсулотлари” акциядорлик жамияти мисолида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини пасайтиришга ва ҳисобининг миллий ва халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартлари асосида такомиллаштиришга асосланган бўлиб, унда бу соҳадаги мавжуд муаммолар ўрганилган ҳамда муаммоларни бартараф қилиш, мавзуни такомиллаштириш борасида илмий таклиф ва тавсиялар берилган.

In this dissertation it is based on “Buxorodonmahsulotlari” Joint Stock Company production to reduce production costs and improve national and international accounting standards on the basis of accounting, which is based on the examination of the problems in this sphere and to resolve the problems, proposals and recommendations to improve the scientific theme.

Магистрлик диссертация иши “Бухгалтерия ҳисоби” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. 6- сонли баённома «30» май 2019 й.

Илмий раҳбар: проф. Холбеков Р.О.


ИМЗО


28.06.2019
сана

Магистр: Ғуломов Э.К


ИМЗО

28.06.19
сана

“Ҳимояга тавсия этилади”
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси
мудири проф. Холбеков Р.О.


“29” июнь 2019 йил

Ҳимоя 2019 йил “02” июль соат 14-00 да Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	4
1-Боб. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар камайтириш ва маҳсулот таннархи ҳисобини ташкил қилишнинг назарий асослари.....	10
1.1. Хўжалик юритувчи субъектларда харажатларни гуруҳлашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	10
1.2. Хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш усуллари.....	16
1.3. Акциядорлик жамияти корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар ҳисобининг концептуал асослари.....	21
1-боб бўйича хулоса.....	33
2- боб. “Бухородонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти тизимда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини пасайтиришга ва ҳисобини тўғри ташкил этишга таъсир этувчи омиллар.....	36
2.1. “Бухородонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулот га кетган харажатларнинг дастлабки ҳисоби.....	36
2.2. “Бухородонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти тизимда ишлаб чиқарилган маҳсулот билан боғлиқ харажатлар аудити ташкил қилиниши.....	40
2.3. Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида маҳсулот таннархни пасайтиришга таъсир этувчи омиллар таҳлилини ташкил этиш муаммолари.....	52
2-боб бўйича хулоса	59
3-Боб. Ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта қайта куриш шароитида маҳсулот таннархи ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари.....	61
3.1. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулот билан боғлиқ харажатлар ҳисобини такомиллаштириш ва таннархини камайтириш масалалари.....	61
3.2. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига таъсир этувчи омиллар ҳисоби ва назоратини такомиллаштириш	65
3.3. “Бухородонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти корхонаси ҳисоб сиёсатида харажатлар ҳисобининг тутган ўрни ва уни такомиллаштириш масалалари	70
3-боб бўйича хулоса.....	83
ХУЛОСА.....	85
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	88

Кириш

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва долзарблиги.

“2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишида” кўрсатиб ўтилганидек, макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишда макроиктисодий муносабатликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш муҳим масалалардан биридир.¹

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида мулкчилик шакллари турли хил бўлган субъектларнинг ташкил топиш жараёнида уларни бошқариш, фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, маъмурият томонидан тезкор қарорларнинг қабул қилинишига асос бўладиган зарур маълумотларни, асосан, бухгалтерия тақдим этади. Барча хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятларини бухгалтерия ҳисобида қайд этиб боришлари ва молиявий ҳисоботларни тузишлари, бу маълумотларни ички ва ташқи истеъмолчиларга тақдим қилишлари шарт.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари, шу жумладан, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари ҳам бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан белгиланган.²

Шу боисдан, хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш, маълумотларни тўғри ақс эттириш ҳамда келгуси

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

² “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2016 йил 13 апрель. № ЎРҚ-404.